



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020 -yil "25" декабр

Қ-1993 -son

Qumqo'rg'on t.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида" 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ-4926-сон ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 19 декабрдаги Қ-683-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳақида

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олиб, туманда истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда оғишмай, самарали давом эттириш, бу қутлуғ санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида" 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ-4926-сон ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 19 декабрдаги Қ-683-сонли қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби тасдиқланганлиги;

Республика комиссияси томонидан **"Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!"** ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурининг ишлаб чиқилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман комиссияси (М.Култаев):

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ишлари ва белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, корхона ва

ташкilot раҳбарининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;
туманда таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари
вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий
тадбирлар ва бадиий кечалар ўтказилишини таъминласин;

ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар туманда қандай амалга
ошириляётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, ташкilot ва корхоналар раҳбарларининг
ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Туманда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий
томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва
режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна
рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларида иборат
ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Туман Молия бўлими (Ш.Поянов) ўтказиладиган байрам тадбирлари
маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари
маблағлари ҳисобидан қопланишини таъминласин.

7. “Қумқўрғон садоси” газетаси (Р.Менгзияева) ва бошқа оммавий ахборот
воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллик
байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириляётган
ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг
2020 йил “25” декабрдаги
3-1993 -сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича туман комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | | | |
|----|---------------|---|--|
| 1 | Р.Гаппаров | - | Туман ҳокими, <i>комиссия раиси</i> |
| 2 | М.Қултаев | - | Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари |
| 3 | Н.Алланазаров | - | Туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари |
| 4 | З.Хидирова | - | Туман ҳокимининг ўринбосари |
| 5 | Ў.Шукуров | - | Туман ички ишлар бўлими бошлиғи |
| 6 | Ш.Поянов | - | Туман Молия бўлими бошлиғи |
| 7 | М.Абдуллаев | - | Туман Маданият бўлими бошлиғи |
| 8 | Н.Исматов | - | Туман Халқ таълими бошлиғи |
| 9 | Ў.Мусаев | - | Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари |
| 10 | Ш.Мамадиев | - | Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари |
| 11 | А.Холтўраев | | Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи |
| 12 | Р.Менгзияева | | “Қумқўрғон садоси” газетаси бош муҳаррири |